
Намунада электр таъминотини яхшилаш чоралари кўрилмоқда

Бағдод туманининг "Намуна" маҳалла фуқаролар йиғинида электр таъминотини яхшилаш бўйича амалий тадбирлар давом этмоқда.

Алоҳида дастур асосида, маҳаллада нобоп ва яроқсиз ҳолга келиб қолган симёғочлар бирин-кетин темир-бетон таянчларга алмаштириляпти.

Қайд этилишича, туман энергетиклари томонидан айни кунларда мазкур таянч устунларига 2 минг 500 метрдан зиёд замонавий турдаги СИП кабеллари - янги ҳаво-узатиш тармоқлари тортилади. Шунингдек, маҳаллага 2 та янги трансформатор ўрнатилиши ҳам кўзда тутилган.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-08-09 18:39:41